

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Бағдод тумани Халқ таълим бўлими номидан иш юритувчи раҳбар Д.Каримова бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи(Лойихачи)» деб юритиладиган «Foziljon Project Building» МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари У.Юлдашев иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 686-692 моддалари, "Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси туғриси"даги, қонун ҳужжатларига асосан мазкур шартномани туздилар.

### 1.Шартнома предмети

1.1. Мазкур шартномага асосан пудратчи «Фаргона вилояти Бағдод тумани Халқ таълим бўлими қарашли 12 мактаб хожатхонасини жорий тамирлаш» - объекти буйича пешхисоб (смета) ва давлат экспертиза хулосасини тайёрлаш ишларини бажариш.

### 2.Шартнома буйича ишлар қиймати

2.1.Мазкур шартнома буйича пудратчи (лойихачи) томонидан бажариладиган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни уз ичига олган ҳолда бошланғич нархларда 1 900 000 (бир миллион тўқуз юз минг) сўмни ташкил этади.

2.2.Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно: -қурилиш қийматини қупайтириш енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;  
- Ишлар ҳажми буюртмачи томонидан узгартирилганда;

2.3.Тегишли асослар мавжуд бўлганда, ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### 3. Пудратчининг мажбуриятлари

3.1.Мазкур шартнома имзоланган кундан ишларини бошлайди ва-барча ишларни тулик ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан тасдиқланган КМК қоида ва қўлланмалари ва мазкур шартноманинг ҳужжатларига асосланиб бажаради ҳама ишни буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади; Мухандис билан бажариладиган ишлар босқичларини келишади, бажарилаётган ишлар ҳақида муҳандисга ахборот тақдим қилади.

3.2.Буюртмачининг рўхсатсиз бажарилган ишларни учинчи шахсга бермайди.

### 4. Буюртмачининг мажбуриятлари

4.1.Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

-мазкур шартномани имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда ишларни бажариш учун тегишли ҳужжатларни далолатнома буйича пудратчига бериш;

-ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

### 5.Туловлар ва ҳисоб-китоблар.

5.1.Буюртмачи пудратчига тегишли манзилли дастурга асосан маблағ ажратилганидан сунг шартнома буйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 % миқдорда авансни ўтказади.

5.2.Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, тегишли манзилли дастур буйича маблағлар ажратилганидан сунг ишлар шартномавий жорий қийматининг миқдорда амалга оширилади.

5.3.Пудратчи бажарган ишларга мазкур шартнома буйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Бажарилган ишлар Буюртмачига топширилгунга қадар тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи пудратчининг зиммасида бўлади.

### 6. Ишларни бажариш

6.1.Буюртмачи бажариладиган ишларга муҳандис тайинлайди. Мухандис бажариладиган ишлар босқичларини келишади, пудратчи бажарилаётган ишлар ҳақида ахборот тақдим қилади.

-Мухандис Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

### 7.Форс-мажор ҳолатлари

7.1.Агар улбу шартнома буйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса, томонлар бундай мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

## 8. Кафолатлар

8.1. Пудратчи: барча ишларни тўлиқ ҳажмда сифатли ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини кафолатлайди;

## 9. Томонларнинг жавобгарлиги

9.1. Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун тўланиши лозим бўлган тўлов ҳақи Буюртмачи томонидан ўз вақтида амалга оширилмаса Ўзбекистон Республикаси «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунининг 32-моддасига мувофиқ бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.4 фоизи миқдорда аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

9.2. Тарафлар шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддатларини бузганлиги учун айбдор тараф бошқа тарафга мажбурият бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи миқдорда пеня тўлайди бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоизидан ортиқ кетмаслиги лозим.

9.3. Тарафлардан бири ушбу шартнома бўйича бошқа мажбуриятларни бажармаган ёки лойиҳа даражада бажармаган ҳолларда айбдор тараф бошқа тарафга бой берилган фойдани қушиб кўрган зарарни қоплайди.

9.4. Пеня тўлаш тарафларини мажбуриятларини бажариш ёки бузилиш ҳуқуқий бартараф этишдан озод этмайди.

9.5. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда буюртмачи Давлат экспертизасининг хулосаси асосида ишларни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиб, пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорда жарима ундириш ҳуқуқига эга.

9.6. Ушбу шартнома уч нусхадан тузилди. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб газначилик бошқармаси (бўлими)да белгиланган тартибда рўйхатдан ўтгандан сўнг қонуний кучга кирилади ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

## 10. Коррупсияга қарши талаблар

10.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупсияга қарши кураш талаблари шу жумладан бу билан чекланиб қолмасдан барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни талдиқ этилишини ифода қилади.

10.2. «Буюртмачи» «Пудратчи»га мазкур шартнома доирасида қуйидагиларни кафолатлайдиган фуйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади. Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек унинг ходимлари директорлари агентлари ва бошқа вакиллари) истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб «Пудратчи»нинг коррупсияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

## 11. Низоларни ҳал қилиш

11.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

## 12. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

### «Буюртмачи»

Бағдод тумани Халқ таълим бўлими

Манзил: Оқ олтин кўчаси  
х/р: 23402000300100001010  
ИНН: 200 158 858

Банк: Марказий банк

МФО: 01128  
ИНН: 100022860302097092100075061

Бошлиқ:  Д. Каримова



### «Пудратчи»


«Foziljon Project Building» МЧЖ»

Манзил: Фаргон ашаҳар  
х/р: 20208000505325265001  
ИНН: 308045634

Банк: Инфин банк

МФО: 01128

ОКОНХ:

Директор:  Ю. Юлдашев



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA BO'LGAN HUIJATLARNING  
QONUN HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI  
TO'G'RISIDA XULOSA**

1. **Loyihaning turi - Shartnoma.**
  
2. **Loyihaning nomi – “Foziljon Project Building” MCHJ va Bag'dod tuman Xalq ta'limi bo'limi o'rtasidagi 1.900.000 so'mlik loyiha-pudrat shartnomasi.**
  
3. **Loyiha ishlab chiquvchi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot-**  
Bag'dod tuman Bag'dod tuman Xalq ta'limi bo'limi tomonidan ishlab chiqilgan va 2022-yil 8-sentabr kuni markazga taqdim etilgan.

**Loyiha Fuqarolik kodeksi va “Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida”gi qonuni talablari asosida ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.**

Markaz bosh yuristkonsulti:



E.Botirov



08.09.2022 йил

Бағдод тумани

Фаргона вилоят Бағдод тумани Халқ таълим бўлими томонидан 23.08.2022 йил кунги лот №22110012141297 билан 12 мактаб хожатхонасини жорий таъмирлаш ишлари учун лойиҳа смета хужжалари тайёрлаш ҳамда давлат экспертизасидан ўтказиш ишларини бажариш бўйича давлат харидлари порталига қўйилган эълон якуни бўйича йиғилиш

#### БАЁНИ № 14

**Қатнашдилар:**

Ш.Ураимов	- Мудир ўринбосари
Р.Тургунбоев	- Бош мутахассис
З.Рахматуллаев	- Бош ҳисобчи
О.Хайдаров	- Тавар- модий қийматликлар ҳисоби бўйича гуриҳ рахбари
А.Абдурахмонов	- Давлат харидлари ва шартномалар бўйича бўлим бошлиғи

#### Энг яхши таклифни танлаш учун келиб тушган таклифлар:

1. "Foziljon Project Building" МЧЖ
2. "Farg'ona Loyiha Tamirlash" МЧЖ


Йиғилишда, иштирокчилар томонидан келиб тушган таклифлар баҳолангандан сўнг 2 иш куни мобайнида муҳокамада бўлган. Ушбу муддат ичида иштирокчи корхоналар томонидан ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмади. Юқоридагиларни инобатга олиб комиссия

#### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

3. Ўтказилган энг яхши таклифни танлашда энг юқори балл тўплаган ғолиб иштирокчи "Foziljon Project Building" МЧЖ билан шартнома имзолансин ҳамда энг яхши таклифни танлаш натижалари ҳақидаги маълумотлар (йиғилиш баёни ва шартнома нусхаси) тегишли тартибда Давлат харидларини ўтказиш махсус ахборот порталига жойлаштирилсин.

Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш комиссия раиси зиммасида қолдирилсин.

#### Комиссия аъзолари

	Ш.Ураимов
	З.Рахматуллаев
	Р.Тургунбоев
	О.Хайдаров
	А.Абдурахмонов